19-20 (453-454)

2005 йил 18 май

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Муштлашган ...муаллимлар
▶ Маслаҳатчининг йўриғи

3
▶ "Менинг меҳрибонгина момом-а..."
▶ Алдаманг, хаста бўлмайсиз!

4
▶ Тупроққалъа тарихи
▶ Норжон момо ниятига етди!

Самарқанд вилояти

Саксон уч ёшли Ҳаким бобо Қобилов Каттақўрғон туманининг Абдал қишлоғида яшайди. Бобо деҳқончилик соҳасида катта тажрибага эга. У тинч меҳнат қилиб яшаш қадрини яхши билади. Шу боисдан ёшларни ҳам шунга даъват этади.

Р.ҲАЙИТОВ олган сурат.

ҒАЛАМИСЛАР НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ!

...Мен Иккинчи жаҳон уруши қирғинбаротларини ўз кўзи билан кўрган, давр тақазоси билан уларда қатнашган одамман.

Урушда қурбонлар бўлиши табиий, лекин тинчлик, осойишталик ҳукм суриб турган бир пайтда бир тўда бузғунчи ғаламис жиноятчиларнинг касофатига ўнлаб инсонларнинг жувонмарг бўлишини нима деб изоҳлаш мумкин? Кейинги кунларда Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар ҳар қандай эсҳушли, зийрак одамнинг қалбини ларзага солади. Босқинчилик ниятида қўлига қурол тутган ғаламислар бегуноҳ кишилар, навқирон ўғлонларнинг умрига зомин бўлди, аёлларни, болалар ва қарияларни ўзига қалқон қилишдан тап тортмади. Уларнинг бу қилмишлари инсон зотига иснод, келтирди. Бу кўҳна дунё яралибдики, ҳеч ким бузғунчилик билан, инсонлар умрини яксон қилиш, тинчини бузиш билан ҳеч нарсага эришмаган, авлодлар олқишини олмаган, Тарих бунга шоҳиддир.

Толиб ота АБДУЛЛАХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Бўз-8 маҳалласи фуқароси, уруш ва меҳнат фахрийси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. У Андижонда одамлар ўлимига сабаб бўлган фожиали воқеаларга, улар юзасидан бошланган тергов ишларининг боришига бағишланди.

Ўзбекистон Бош прокурори Р.Қодиров матбуот анжумани қатнашчиларига 13 май куни Андижонда рўй берган воқеалар ва улар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Одамлар қурбон бўлишига олиб келган бир қатор террорчилик ҳаракатлари, ваҳшийларча босқинчиликлар содир этилди. Оқибатда 169 киши ҳалок бўлди. Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг терроризм, конституциявий тузумга тажовуз қилиш, икки ва ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш, уюшган жиноий гуруҳлар тузиш, оммавий тартибсизликлар уюштириш, гаровга олиш, қонунга хилоф равишда ўқотар қуролларини, ўқ-дори, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини қўлга киритишга оид моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилди. Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ходимларидан иборат тезкор тергов гуруҳи тузилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 81 жиноятчи қўлга олинди. Қўлга олинган ва ҳалок бўлганларнинг 50 таси Ўзбекистон фуқароси эмаслиги аниқланди. Қўлга олинганларнинг 5 нафари Қирғизистон фуқароси бўлиб чиқди, яна иккита шу мамлакат фуқаросининг жасади топилди. Уларнинг ушбу террорчилик ҳаракатида иштирок этгани маълум бўлди.

Тергов маълумотларига кўра, босқинчилар учун қурол-аслаҳа улар ҳужум бошлашидан анча олдин четдан келтирилган. Жиноятчилар хорижда ишлаб чиқарилган ва рақамлари ўчирилган автоматлар, тўппончалар ва снайперлик милтиқлари билан қуролланган. Бу қуролларнинг қаердан келтирилганлигини аниқлаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Қуролли ҳужум давомида террорчилар жами 305 дона қурол-аслаҳани, шу жумладан 205 та автомат ва 100 та тўппонча, 231 та граната ва бошқа қуролларни қўлга киритган.

Бугунги кунга келиб жиноятчилар эгаллаб олган қуролларнинг ярмидан кўпи, шу жумладан 128 та автомат ва 24 та тўппонча қайтарилди.

Террорчилар қамоқдан ноқонуний озод қилганлардан 309 шахс жазони ўташни давом эттириш учун ихтиёрий равишда қайтиб келди. Кўрилган чоралар натижасида 14 маҳбус қамоққа қайтарилди.

Қидирув ишлари давом этмоқда.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари анжуман иштирокчилари эътиборини баъзи оммавий ахборот воситалари томонидан Андижон воқеалари нохолис талқин этилаётганига, бирёқлама баҳоланаётганига қаратди. Айрим оммавий ахборот воситаларида авж олган кампаниябозлик расмий тергов хулосалари маълум бўлмасдан туриб, одамлар онгида муайян тасаввур яратишдан, гўёки Андижонда тинч аҳоли ўққа тутилгани ҳақидаги уйдирмаларни тарқатишдан бошқа нарса эмас, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари бундай оммавий ахборот воситаларининг вакиллари «тинч намойиш» қатнашчилари дея таърифлаётган кимсалар яхши қуролланганини, ҳарбий қисмга ҳужум қилганини, ҳунрезликлар содир этганини, террорчилар ва қотилларни озодликка чиқариб юборганини негадир «унутиб қўйишаётгани»дан таассуф билдирди.

Одамларни гаровга олишни, бегуноҳ инсонлар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари жонига қасд қилишни «тинч намойиш» деб аташ мумкинми? Шу ўринда халқимизнинг «Қўрқоқ олдин мушт кўтарар», деган мақоли эсга тушади, деди Президентимиз.

Ислом Каримов қатъий таъкидладики, бўлиб ўтган воқеаларнинг тинч намойишга ҳеч қандай алоқаси йўқ, бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу ҳақиқий террорчилик ҳаракатидир. Андижонда бирон-бир тинч аҳоли қурбон бўлгани йўқ. 500 киши ҳалок бўлгани ҳақидаги гаплар — уйдирма ва воқеликни атайлаб бузиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Аёллар, қариялар, болалар ҳалок бўлганини кўрганлар борми? Агар бўлса уларни ким номма-ном айта олади? Операция давомида фақат жангарилар ўлдирилди. Ҳар бир мурданинг ёнидан қурол топилди. Уларнинг шахси ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан аниқланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳатто Ўзбекистонга дўст деб аташ қийин бўлган ўнлаб таниқли сиёсатдонлар ҳам бу борада ўз фикрини билдираётганида воқеаларни холис баҳолашга интилганини таъкидлади. Шундай экан, ҳар бир журналист ўзининг асосий бурчи ва вазифаси — доимо фактларга таяниб ишлаш эканини унутмагани маъқул. У ўзи тарқатаётган ахборот учун шахсий масъулиятни чуқур ҳис этса, ўшанда ҳаммаси рисоладагидек бўлади.

Журналистларнинг ўша куни Андижонга сафарига монелик қилган ягона сабаб шуки, деб таъкидлади Ислом Каримов, шаҳарда отишмалар бўлаётган, босқинчилар хуружи авж олган бир вазиятда ҳеч ким журналистларнинг ҳаётини хавф остига қўйишга жазм этолмасди. Ахир биз сизнинг хавфсизлигингиз учун жавобгармиз.

Тадбирда 18 май куни дипломатлар ва журналистлар учун Андижонга махсус авиарейс ташкил этилиши ҳақида маълум қилинди.

Президент Ислом Каримов журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди.

/ЎзА/

Навоий вилояти

ЯНА БИР ЯНГИ МАРКАЗ

ёки "Яхши ният" иш бошлади.

Яқинда Навоий шаҳрида вилоятдаги барча оилавий тўй-ҳашамларни ўтказишда имконият ва қулайлик туғдириш мақсадида "Яхши ният" тантаналар маркази ташкил этилди.

Марказга аъзолик бадали тўлами 85 минг сўмни ташкил этади. Марказга аъзо бўлган кишилар тўрт турдаги яъни: ансамбл ва санъаткорлар, видеокамера, келиннинг тўй либоси ҳамда шу хизмат турларини тўйхонага олиб бориш ва олиб келиш учун автомашина хизматларидан бахраманд бўладилар.

Марказ бир кунда бешта мижозга сифатли хизмат кўрсатишга кафолат беради. Автомашина хизмати Навоий шаҳар ва Кармана тумани аҳолиси учун бепул, қолган туман ва шаҳарларга келишилган ҳолда хизмат кўрсатади.

"Яхши ният" марказининг ишга тушиши аҳолига арзон ва сифатли хизмат кўрсатиши, янги иш жойларини яратиши билан аҳамиятлидир.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Пойтахтдаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида 15 май—Халқаро Оила куни муносабати билан "Оила—муқаддас Ватан" тадбири ўтказилди.

Маълумки, жамият пойдевори айнан оиладан бошланади. Оилаларнинг мустаҳкамлиги, тинчлиги ва фаровонлиги бу давлатнинг равнақидан далолат беради. Мамлакатимизда ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқдаки, бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда. 1998 йилнинг "Оила йили" деб эълон қилиниши ва оила манфаатларини таъминлаш борасида Давлат дастурининг ишлаб чиқилганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур дастурда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, оиланинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оила аъзоларининг соғлигини муҳофаза қилиш ва таълим даражасини ошириш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини ва маданий манфаатларини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла", Болалар спортнинг ривожлантириш жамғармаларининг ҳудудий бўлимлари, Халқ таълими ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, "Тошкентнаво" бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда энди турмуш қурган келин-куёвлар ўртасида викторина, 50, 40, 30 йил давомида аҳил яшаётган ибратли оила вакиллари билан ёшларининг учрашуви, "Отам, онам ва мен — оилавий спортчи" эстафетаси ўтказилди. Шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланувчи оилаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. "Оила—муқаддас даргоҳ" мавзуидаги плакатлар ва "Менинг оилам" асфальтга расм чизиш кўрик танловлари тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади.

Тадбирда ёш тадқиқотчилар маҳалла хотин-қизлар қўмиталарининг вакиллари ҳамда маҳаллалардаги диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этди.

Алоуддин ҒАФФОРОВ
"Туркистон-пресс"

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ УЧУН ҲАММАМИЗ ЖАВОБГАРМИЗ

Андижон шаҳрида ҳаёт ўз маромига тушди. Тартибсизликлар оқибатлари бартараф этилмоқда. Барча корхона ва ташкилотлар, жамоат транспорти ишламоқда.

Андижон фуқаролари жангариларнинг ҳаракатларини кескин қораламоқда. Улар заминимизда барқарорлик ва осойишталикни сақлаш учун касби ва ёшидан қатъи назар ҳамма жавобгар деб ҳисобламоқда, чунки мустақиллик Ўзбекистон халқига берган энг азиз неъмат — тинч ва осуда ҳаётдир.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси:

— Экстремистлар гуруҳи содир этган жиноят ҳаммамизни ларзага солди. Улар уюштирган қирғин натижасида бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Ўзини пана қилиш учун аёллар ва болалардан фойдаланиш — ўтакетган қабоҳат. Бу ўзининг меҳнаткашлиги, маданияти ва маънавияти билан танилган вилоят аҳолисининг обрўсига доғ туширди. Мен дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман ва айтишим мумкинки, бу нобакорлар шундай ажойиб диёримизда яшаётгани, бу ерда кўрган яхшиликлари учун Оллоҳга шукр қилиши керак эди, аммо улар она Ватанга хиёнат қилди.

Маҳаммаджон ИСМОИЛОВ,
Ал-Бухорий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламиз ҳужум уюштирилган жазони ўташ муассасасига яқин ерда жойлашган. Маҳкумлар қўлларига қурол олишни исташмади, аммо уларни мажбур қилишди. Босқинчилар бегуноҳ одамларни ўлдириб, автомобилларини эгаллаб олганига гувоҳ бўлдик.

Қийин вазиятда, айрим давлатлар раҳбарларидан фарқли ўлароқ, Президентимиз ёнимизда турди, халқ билан бирга бўлди, муаммони ҳал қилиш йўлларини белгилаб берди. Экстремистларнинг ҳаракатларини ҳеч ким қўллаб-қувватламади. Бу табиий, чунки халқимиз бугун кимнинг аслида ким эканини яхши билади.

Саид ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири



ҲАР КИМКИ ЁМОН БЎЛСА...

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

«Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаслиги керак». Буюк адиб Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асари қаҳрамонларидан бири — Юсуфбек Ҳожига мансуб ушбу ўзбекона лутф ҳар гал зангори экранда машҳур санъаткоримиз Аббос Бакиров ижросида янграганида, кўксингиз беихтиёр фахр-ифтихорга тўлади.

Бу ихчаму сермаъно жумлада миллатимиз, халқимиз табиатидаги тантилик, бағрикенглик ва гўзал хулққа хос фазилатлар шу қадар маҳорат билан сингдирилганки, уни тинглаш асносида шундай буюк халқнинг вакили эканингиздан ғурурланиш туйғуси бутун вужудингизни қамрайди.

Адабиёт ва санъат, маърифат ва маънавиятнинг сеҳрли кучи ҳам шунда — у инсон қалбида эзгулик, саховат, меҳр-мурувват каби олижаноб фазилатларни жунбушга келтиради...

Афсуски, 13 май куни Андижон шаҳрида юз берган фожеали воқеалар асносида Аббос Бакиров номидаги кинотеатр ўт-олов ичида қолди. Андижон заминида униб-ўсиб, маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган улуғ санъаткор номи билан аталувчи маънавият маскани бир тўда жангарилар томонидан оёқ ости қилинди.

Миллатимиз шон-шавкатини юксакка кўтарган, маданиятимизни дунё миқёсига олиб чиққан буюк зотлардан бири — нафақат Андижон аҳли учун, балки бутун халқимиз учун ғурур ва ифтихор тимсоли бўлган Заҳириддин Бобур номи билан аталадиган театр биносига ҳам жоҳиллар томонидан ўт қўйилди.

Энг ёмони, улар мутлақо бегуноҳ кишилар қонини тўкди. Бу билан улар ўзларининг инсонийликдан йироқ ваҳшиёна башарасини фош этди.

Шунинг учун Андижон аҳли уларга эргашмади, уларни қўллаб-қувватламади. Зеро, халқимизни ўзи танлаган йўлдан, озодлик, эркинлик ва бунёдкорлик йўлидан ҳеч ким ҳеч қачон оғдира олмайди. Юртбошимиз Ислом Каримов доим қатъий ишонч билан таъкидлаганидек, халқимиз ҳар қандай шароитда ҳам ўз ғурури ва эътиқодини сақлашга, керак бўлса уни ҳимоя қилишга қодир.

Албатта, манфур ниятларини амалга ошириш йўлида ҳар қандай ёвузликдан қайтмаган бу кимсалар қилмишига яраша жазосини олади. Зеро, Андижон фарзанди, буюк шоҳ ва шоир Бобур Мирзо айтганидек: «Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир».

ЎзА

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R » — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

Бойсунга поезд келди. Товламачи мураббий. Мадаминбек — мададкор.

2005 йил 18 май
19-20 (453-454)

Тошкент шаҳар ҳокимияти ва касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ёзги мавсумда фаолият кўрсатадиган барча стационар оромгоҳларда олиб борилаётган тайёргарлик юзасидан текширув ишлари ўтказилди ва тегишли кўрсатмалар берилди.

БОЛАЛАР МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШАДИ

Жорий йилнинг ёзги мавсуми даврида 26 та стационар ва 26 та умумтаълим мактаблари негизида ташкил этилаётган оромгоҳларда 39400 нафар, идоравий стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 7100 нафар пойтахт меҳнаткашлари фарзанларини соғломлаштириш ва дам олдириш режалаштирилган.

"Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастури доирасида эса стационар оромгоҳларда бепул йўлланмалар билан шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг маблағлари ҳисобидан 800 нафар меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчиларини, 500 нафар болалар ва спорт мактаблари ўқувчиларини, 900 нафар иқтидорли ҳамда Орол бўйи минтақаси болаларини соғломлаштириш кўзда тутилган.

Гулбаҳор САТТОРОВА

Жиззах вилояти

ФАХРИЙЛАР УЧУН "МАРЖОНСУВИ"

Ғаллаорол туманидаги Ғубдин қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ламмикор қўрғонида уруш ва меҳнат фахрийлари учун замонавий сиҳатгоҳ ўз эшигини очди.

"Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури асосида кексаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида муддатидан илгари фойдаланишга топширилган бу даргоҳ Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида бунёд этилди, унга "Маржон суви" деб ном берилди.

Сиҳатгоҳ минерал тузларга бой бўлган маъданли сув билан даволаш муолажаларини ўтказишга мўлжалланган. Шифохонада ошқозон-ичак, юрак, буйрак, нерв ва бошқа касалликларни даволашда табиий сув ёрдамидан фойланилади. Шунингдек, замонавий тиббий асбоб ускуналардан ҳам самарали фойдаланилади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Анвар Акбаровнинг таъкидлашича, бу вазирлик тизимидаги еттинчи сиҳатгоҳдир. Шифохонада ҳар ойда республиканинг 75 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари ўз саломатликларини тиклайдилар.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Фаолият тажрибаси

МАСЛАҲАТЧИ МАСЛАҲАТ БИЛАН КЕЛДИ

Фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масаласи бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилганига ҳам ҳадемай бир йил тўлади. Хўш, жойларда маслаҳатчилар ўз фаолиятларининг асосий йўналишларини қандай белгилаб, қандай иш юритмоқдалар. Албатта, бунга даб-дурустдан жавоб бериш қийин, лекин маҳаллада хотин-қизлар ўртасида ишлар жонланди, дейишга асос бор.

Тошкент вилоятининг Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғинида Муборак Қаршибоева деган аёл маслаҳатчи бўлиб ишлайди. У дастлаб ўз фаолиятини нимадан бошлашни билмай, анча қийналди. Тумандан берилган топшириқлар ўз йўлига, аввало шу ерда яшаётган хотин-қизлар билан уларнинг муаммоларини ўрганиб чиқиш муҳимлигини тушуниб етди.

У ён дафтарига дастлаб хонадонлар, сўнг эса кекса онахонлар, ёш қизлар, ишлаётган ва ишламаётганлар, соғлому носоғлом, хуллас, хотин-қизларга оид нима керак бўлса ҳаммасини эринмай ёзди. Шундай кунларнинг бирида олдига ўрта ёшлардаги бир аёл келди. Салом-аликдан сўнг у дардини айтди.

— Қизим, кейинги пайтларда бирданига номоз ўқийман деб қолди. Шунга хавотирдаман, синглим. Тўғри, номоз ўқишига қаршилигим йўқ. Лекин... Яна билмадим, биронтасининг таъсири борми дейманда...

Онанинг ҳадиги маслаҳатчига ҳам ўтди. Унга "Қизингиз билан гаплашиб кўраман" деб ваъда берди-ю, ўйланиб қолди. Нима, унга "номоз ўқима!" деб айтадими?

Қиз билан суҳбатдан аён бўлишича, уни таниб-танимаган бир-икки нафар дугоналари номоз ўқишга ундашаётган экан. Муборак унга Аллоҳ буюрган бу фарзларнинг бирини бажариш учун ҳеч ким қаршилик қилмаслигини, аммо, уни ўз маслаҳати билан ўртага олаётганларнинг мақсади нима эканлигини ўйлаб кўриш лозимлигини уқтирди. Унга аввало бирон касб эгаси бўлишни маслаҳат берди, хоҳласа уни педагогика коллежларидан бирига ўқишга киришига кўмаклашишини айтди. Қиз тўғри тушунди. Бугунги кунда у ўқишга топшириш учун Муборак опасидан (унинг касби педагог) сабоқ олмоқда. Бу маслаҳатчи фаолиятидан кичик бир лавҳа.

Муборак Қашибоева шунингдек, маҳаллалардаги урф-одатлар ва расм-русумларни тартибга келтиришни биринчи галдаги вазифа деб тушунади. Ортиқча ҳаражатлар, бир оилани бир неча йил "ўтирғизиб" қўядиган тўйлар ва маросимларни ихчамлаштириш учун сўзи ўткир аёлларни атрофига тўплади. Энг қизиғи, бу хайрли ишлар кўпчиликка жуда маъқул бўлди. Элнинг гапидан уялиб борини тўйга сарфлаётганлар маслаҳатчининг маслаҳатларини қўллаб-қувватлашди. Муборак мана шу хайрли ишлар туфайли яқинда туманда ўтказилган "Йилнинг энг яхши маслаҳатчиси" кўрик-танловида ғолиб бўлди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, хотин-қизларимиз орасида диний маърифат ишларнинг етарли даражада ташкил этилмаганлиги туфайли ҳам урф-одатларимиз, расм-русумларимизда ақипарастликнинг баъзи бир кўринишлари бўй кўрсатиб қолганлиги сир эмас эди. Янги ташкил этилган бу лавозимда ишлаётган маслаҳатчилар масаланинг айнан шу томонига эътиборларини қаратишлари лозим. Жамиятнинг бирлиги, осойишталигимизнинг бузилмаслиги, экстремизмнинг бош кўтармаслиги учун ёшлар, айниқса аёлларимиз ва қизларимиз онгида бузғунчи қайфиятлар ўз ҳукмини ўтказмаслиги керак. Бунинг учун хотин-қизлар ўртасида тушунтириш ишлари аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар билан ўтказилиб борилиши шарт. Тадбирлар номигагина ёки қайд қилиб қўйиш учун ўтказилмаслиги керак, албатта.

Маслаҳатчимизнинг яна бир муҳим аҳамиятга эга бўлган ишларидан бири ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишнинг турли услубларидан кенг фойдаланишдир. Бунда маҳаллада яшаб, истиқомат қилаётган ибратли кишилар ҳаёти, намунали оилаларнинг турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ҳам ўз самарасини беради.

Албатта, бир йил ўтар-ўтмас маслаҳатчилар фаолиятида кескин ўзгаришлар бўлди, дейишдан йироқмиз. Лекин ҳаракат бошланди, интилиш ва изланиш сезилди. Уларнинг иш фаолиятлари қизғин бўлиши учун республика, вилоят матбуотларида энг яхши маслаҳатчиларнинг иш тажрибалари кенг тарғибот қилиниши керак. Афсуски бу борада айтарли гап йўқ. Бундан ташқари маслаҳатчиларнинг вилоят ва республика миқёсида тез-тез ўқувларини ташкил этиб туриш ҳам фойдадан холи эмас.

Бугунги аҳволни ўрганиб шундай хулосага келиш мумкинки, маслаҳатчилик лавозимини жорий этиш жуда тўғри иш бўлган. Гап фақат унинг фаолиятига қизғинлик ва кенг қамровликни жорий этиб, хотин-қизлар ўртасида маслаҳатли гапларни муҳокама этишдан чарчамаслик, тадбирларда уларнинг фаол қатнашишларини таъминлашдан иборат.

Маълумки, маслаҳатчиларнинг оқсоқоллар билан битадиган бамаслаҳат ишлари ҳам кўп. Чунки маҳалланинг нима билан нафас олаётганини энг аввало оқсоқол билади.

... Уйшун маҳалласида бўлаётган маросимлар ичида ҳайитлик кунлари "келин салом"нинг ниҳоятда дабдабали ўтаётганлигидан норози бўлиб маҳалла оқсоқоли маслаҳатчига мурожаат қилди. Иккаласи бирғаликда ҳар бир кўча, ҳар бир келин олган уйларда бўлиб, эринмай тушунтириш ишларини олиб боришди. Ҳозир бу одат оила байрамига айланган. Ортиқча сарф-ҳаражатларга чек қўйилди. Ҳамма бу ишдан хурсанд.

Демак, маслаҳатчининг маҳалла оқсоқоли билан ҳам, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси билан ҳам ҳаттоки маҳалла посбони билан ҳам биргаликда қиладиган ишлари кўп. Аниқроқ айтадиган бўлсак, уларнинг ҳам бирининг иш услубларидан келиб чиқиб, маслаҳатчи ўзининг маслаҳатлари ва таклифлари билан амалга ошириладиган ишларни бойитади.

— Аччиқ бўлса ҳам айтиш керак, маслаҳатчилар фуқаролар йиғини раисининг буйруғи билан иш қиладиган ёки фақат тадбирлар орқасидан қувиб юриши керак эмас. Биз ҳар бир оилага, ҳар бир одам юрагига кириб боришни ўрганишимиз керак. Шундагина ишимизда натижа бўлади, — дейди Муборак Қаршибоева. Бу гапга қўшилиш керак, ҳақ гап!

Ҳамид НОРҚУЛОВ

АЛПОМИШ ЮРТИДА ПЎЛАТ ТУЛПОРЛАР

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан йирик инвестиция дастури асосида бунёд этилаётган Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилиши жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Яқинда йўл қурилишининг ярмидан кўпроғида — Тошгузар — Деҳқонобод ва Қумқўрғон — Бойсун босқичларида поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Хорманг, маҳалладош!

Андижон вилояти

ҲАМҚИШЛОҚЛАРГА ҲИММАТ

Илгарилари ҳамюртларимиз чиройли уй солиш, машина олиш, хайрия тадбирларида иштирок этишдан чўчишарди. Чунки бундай "ўзбошимчалик"лар албатта ҳуқуқ-тартибот идораларининг "Нимани ўғирладинг? Маблағни қаердан топдинг?" каби беҳисоб тайзиқлари билан "сийланарди".

Минг бора шукур, истиқлол шарофати билан юртимизда тадбиркорлик учун кенг йўл очилди. Ишбилармон ҳамюртларимиз изланишга тушиб кетдилар. Мулкдорлар, тадбиркорлар сони йилдан-йилга кўпая бошлади.

Жалақудуқ туманидаги ёрқишлоқлик фуқаро, асл касби инжинер-механик бўлган Мадаминбек Маҳаммаджонов ҳам тадбиркорликда ўз қобилиятини синаб кўришга аҳд қилди. Дастлаб ўзи яшаётган Жалақудуқ туманидаги Ёрқишлоқ фуқаролар йиғининг Тошҳовуз маҳалласида ўз маблағи ҳисобига машиналарга ёнилғи қуйиш шахобчасини қурди. Катта йўлнинг бўйи бўлгани учун бу ердан жуда кўп одам ўтиб турарди. Буни сезган тадбиркор кейинчалик шахобча ҳудудида, йўлнинг ёқасида ошхона бунёд этди. Ҳозир шахобча ва ошхонада ўндан ортиқ маҳалладошлар ишламоқдалар.

— Ҳар куни ишсиз юрган кўплаб ёшларни учратаман, уларнинг ўрнига ўзимни қўйиб кўраман, — дейди тадбиркор Мадаминбек ака. — Дарҳақиқат, билагида қуввати, юрагида ўти бор қанча йигит-қизларимиз ишсиз юришибди. Бу жуда кўнгилсиз аҳвол. Шунинг учун ўтган йилнинг баҳорида шу ёшларимиз учун фабрика қураман, деган орзу туғилди. Бунинг учун ёнилғи қуйиш шахобчаси ҳудудида зарур майдон бор эди. Бўлажак кичик фабриканинг лойиҳаси тайёрланди. Ўтган йилнинг охирларига келиб корхона учун бошланган бино қурилиши якунланди.

— Ҳозирги кунда аста-секин барча дастгоҳларимиз ишга тушиб кетди, — дейди тажрибали тўқувчи Холисхон Тожиддинова. — Мен илгари Ўш ип газлама комбинатида ишлаганман, анча йиллар ишсиз юрдим. Мадаминбек ака фабрика қуриб, бизни ишга таклиф қилдилар. Шароитимиз яхши, бепул тушлигимиз бор, дам олиш хонаси ташкил этилган, ойлик маошлар вақтида берилади.

Мадаминбек фабрикани ишга туширар-туширмас, янги ишга киришиб кетди. Кимошди савдосида ҳовли қуриш учун ер-жой сотиб олган эди, ана шу уйнинг ертўласини спорт зали қилишга қарор қилди. Бу ерда турли хил тренажорлар, ринг, душ ва ечиниш-кийиниш хоналари бўлади. Ҳадемай Тошҳовуз маҳалласи аҳли бу ерда спорт машғулотлари билан машғул бўладилар.

У.САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири

СУРАТДА: *тадбиркор Мадаминбек Маҳаммаджонов фабрика ишчилари билан.*

Одилжон КОМИЛОВ олган сурат.

Фарғона вилояти

Қадим-қадимдан юрт учун кўприк қурган, сув чиқарган, йўл очган, дарахт экиб боғ қилган инсонлар улуғланган. Қолаверса, бу билан улар ўзларига мангу ҳайкал ўрнатганлар. 1939 йилда Катта Фарғона каналини қазиш билан халқимиз ўз номини тарихга мангу муҳрлади. Йўл қурувчиларимиз Қамчиқ довони орқали янги йўл солиб узоғимизни яқин қилди.

СЎХДА КАТТА ҲАШАР

Унда 22 та маҳалла аҳли қатнашмоқда

Худди ана шундай катта ҳашарлардан биттаси айни кунларда Сўх туманида бошланган. Бу тезоқар Сўх дарёси устига қурилаётган Шарқобод маҳалласи билан туман маркази — Равон қишлоғини боғловчи янги кўприкдир.

Шарқобод — дарёнинг ғарбий қирғоғида жойлашган. Маҳалла аҳли Сўх марказига 13-14 километр йўл босиб, айланиб келишади. Қолаверса, бу йўлнинг 3 километри қўшни Қирғизистон ҳудудига кирган бўлиб, постлардан ўтиш машаққатлари ҳам йўқ эмасди. Бу кўприкни сўхликлар азалдан орзу қилишганди. Уларнинг орзусини дастлаб шарқободлик қўли гул уста Исо ота Сулаймонов рўёбга чиқарди. У 1951-1956 йиллари ҳарбий хизмат даврида Россиядаги дарёлар устига қурилган осма кўприкларни кўп кўрганди. Ана шундай кўприк қуриш учун темир устунлар, кўп миқдорда пўлат арқонлар йиғиб борди ва 1972 йили бу ишга жиддий киришди. Икки ой деганда кўприкни битирди. Дарё устида 50 метр узунликда лопиллаб турадиган бу қил кўприкдан ҳар бир киши эҳтиёт чорасини кўрган ҳолди ўтиши зарур эди. Ўтган 33 йил давомида ана шу осма кўприк хизмат қилиб келди.

Айни кундаги ҳисоб-китобларга қараганда дарё устига катта, ҳатто юк машиналари ҳам бемалол ўта оладиган кўприк қуриш учун камида 4 миллиард сўм маблағ зарур эди. Бу маблағни ким беради?. Ҳозирги шароитда ҳеч ким. Туман ҳокими Ҳакимжон Сайфиддинов туман фаолларини йиғиб, "Ҳашар йўли билан кўприкни қурсак, шунга нима дейсизлар", дея маслаҳат солди. Ҳамма ўйга толди. Шунда Мулгон маҳалласи оқсоқоли, 74 ёшли Усмонали Ғиёсов юрагидаги гапни айтди:

— Кўпдан қуён қочиб қутилмас, дейди донолар, Бирлашиб ҳаракат қилсак, бу кўприкни қуриш ҳеч гап эмас. Тадбиркорлар, қани нима дейсизлар? Мана мен пенсия пулимни шу кўприк қурилишига бағишладим. Ўзим ҳам, фарзандларим ҳам ҳашарга чиқиб, тош-шағал ташиб ёрдам берамиз.

Бу сўзлар ер чизиб ўтирган кўплаб тадбиркорларнинг юрагига чўғ ташлади. Шунда Ҳабибулло Ёрматов қурилишга 500 минг сўм пул атаганини, қолаверса, ўзига қарашли юк машиналар ҳашарга чиқишини айтди. Сўхгазтаъминот идораси бошлиғи Бобо Ҳайдаров 300 минг, Чашма маҳалласидан Аҳмадбек Абдулаҳадов 200 минг сўм ва бошқалар ҳам ҳолига яраша маблағ ажратишларини билдиришди.

Гап гаплигича қолмади. Шундай қилиб март ойида катта ҳашар — кўприк қурилиши бошланиб кетди. Ҳар куни бу ерга ким нон олиб келаётган, ким қўй етаклаб келаётган... Ҳашарда қатнашиш тумандаги 22 та маҳаллага навбат қилиб қўйилди. Барибир эзгу иш деганда ёшу қари ошиқиб келаверар экан. Тумонат одам. Қақир маҳаллалик Султонмурод мўйлов қўлида олти килолик бозғон. "Ҳақ" деб урганда сандалдек тошлар қоқ икки паллага бўлиниб кетишини кўриб унинг маҳоратига қойил қоласан киши.

Пўлат устунлар уч метр чуқурликдан бетонлаб чиқилди. Саккиз метр баландликкача бетонга тош терилиб кўтарилди. Натижада 5 та катта сув ўтказгич ҳосил бўлди. Бу ишда Аҳмаджон Жалолов, Машрабжон Одилов, Отамулло Домуллоев, Салоҳиддин Отабоев сингари пайвандчилар тиним билишмади.

Кўприк қурилишида 2 та автокран, 3 та экскаватор, 2 та бульдозер, 1 та грейдер тўхтовсиз ишлаб турибди. Ҳар куни маҳаллалардан келган 250-300 киши тинимсиз ишлаяпти. Дарё ўзани четида Абдуфатто Хақназаров, Муроджон Жумаевлар бульдозерда шағални суриб бераяпти. Лутфулло Иброҳимов, Бобожон Нарзиддинов, Мирзадон Абдоевлар замбилларда шағални, цементни пешма-пеш етказиб беришаяпти. Тешабой Одилов номидаги мактаб ўқитувчиларидан 35 киши ҳашарда қатнашаётгани ҳам таҳсинга лойиқ.

Чойхоначи Ҳасанбой Фаттоев чап қирғоқда қумғонларини шақирлатиб қайнатиб қўйибди. Қирғоқ бўйлаб якандозар тўшалиб жой қилинган. Дастурхонда нон, қатлама, сомса, қанд-курс, майиз...

— Худо хоҳласа, кўприк битгач, мана шу ғарбий қирғоққа битта шинам чойхона қуришни мўлжаллаб турибман, — дейди Ҳасанбой. — Бунга ҳокимимиз ҳам ёрдам беришларини айтди.

Худди шу пайтда ош дамланган катта қозонни кўтарганча 1-мактабнинг раҳбарлари Абдуллажон Очилдиев билан Зоҳиржон Эралиевлар келиб қолишди. Ҳашарнинг оши ширин бўлади. Ҳасанбой занг урди:

— Ҳов, ҳамма тушликк-а-а!

Шовуллаб оқаётган Сўх дарёси унинг ҳайқириғини узоқларга олиб кетди...

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

ИШИ ҚОЛИБ, "ИШ" ТОПГАН ПЕДАГОГЛАР

Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани 19-мактаб ўқитувчиси Душанбой Муталиев ўйламай қилган иши оқибатида ўзининг зиёли деган шарафли номга нолойиқ эканлигини кўрсатди. Ачинарли томони шундаки, аввалги хатоларидан тўғри хулоса чиқариб олиши лозим бўлган олий маълумотли инсон Д.Муталибоев яна бир бор жиноятга қўл урди ва бу ишига Ж.Муҳамадиевни ҳам шерик қилди.

Жазога тортилгунга қадар биология фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келган Душанбой Муталиев мактаб директори Эркин Ражабовнинг хатоларини излаб юрадиган одат чиқарди. Қўл остида ишлаётган ходимнинг бу талаби директорга ёқмайди ва жамоа мажлисида:

— Сиз нега ведомостлардан нусха олиб юрибсиз? Бу билан нимага эришмоқчисиз? — деб изза қилади. Улар ўртасидаги бундай муносабат ҳар куни давом этади. Ҳатто бу муносабатлар уларнинг бош вазифаси — таълим-тарбия ишидан ҳам устун туради. Аламзада бўлиб юрган Муталиев директорни кўчада, Халқ таълими бўлимига иш юзасидан кетаётган маҳалда учратиб қолади. Маошини вақтида ололмагани, боз устига аввалги кудуратлари эсига тушиб:

— Нега ойлик маош варақаларини халқ таълими бўлимига вақтида топширмадинг? Мен пулимни ололмадим, — дейди.

Ражабовнинг: "Варақани қачон хоҳласам шунда топшираман. Хоҳласам бир ой олиб юраман!" деган қўрс жавобини эшитгач, жаҳл билан унга мушт туширади. Кучли зарбдан йиқилган жабрланувчининг ўнг қўли гавдаси остида қолиб кетиб, панжа суяги ёпиқ синиб жароҳатланади.

Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон тумани судининг 2004 йил 18 июнда судья С.Турсунов раислигида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида Муталиев Душанбой Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилди. Судланувчининг аввал ҳам судлангани ва унга нисбатан Амнистия тўғрисидаги Фармон қўлланилганлиги назарда тутилиб, ойлик иш ҳақидан 20 фоиз давлат фойдасига ушлаб қолиш шарти билан икки йиллик ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинди. Ражабовнинг даволаниши ва суд ҳаражатлари Д.Муталиевдан ундирилади.

Агар воқеа шу билан якунланган бўлганида ҳар икки томон учун ҳам яхши бўларди. Аммо Душанбой Ражабовдан бу "иш" учун ҳам ўч олиш мақсадида "ёзувчилик"ни авжига чиқаради. Ражабовнинг даволаниши ва суд ҳаражатлари учун тўлаган пулларини қандай қилиб қайтариб олишни ўйлаб, ўзича бунинг йўлини ҳам топа қолади. У директордан барча сарфлаган пуллари — жами 105 минг сўм беришни талаб қилади. Акс ҳолда, устингдан ёзиб, барча кирдикорларингни очиб ташлайман, деб пўписа қилади. Узоқ давом этган можаро ҳокимият вакиллари, оқсоқоллар ва мактаб жамоасининг аралашуви билан ҳам ҳал бўлмайди. Бу ҳол мактаб ҳаётида анчагина асаббузарлик ва дилхираликларга сабаб бўлди, албатта. Туман халқ таълими бўлими мудири муросага келтириш мақсадида ҳар икки томонни ҳузурига чақириб гаплашади ва бўлим бошлиғи Жўрақул Муҳаммадиевга ишни бир ёқлик қилиб, натижасини билдиришни топширади. Муҳаммадиев эса Муталиев директорга ноҳақ талаб қўяётганини, ундан пуллар суднинг ҳукми билан қонуний ундирилганлигини, мабодо директор ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўяётган бўлса, махсус текшириш ишлари олиб борилиши керакли-гини ва унинг натижаларига кўра чора қўллаш лозимлигини тушунтириш ўрнига, сўралган пулни талабгорга ундириб бериш ҳамда бунинг эвазига ўзи ҳам бирор қисмини олиш йўлини маъқул кўради. Режа пухта ўйлаб олингач, у Ражабовга шартни тушунтиради:

— Душанбой қизини чиқармоқчи, шунинг учун унга пул жуда зарур. Сен сўралган миқдордаги пулни берсанг, мен уни шикоят ва аризаларини қайтариб олишга, бундан кейин устингдан ёзмасликкa кўндириб, тилхат олиб бераман, — дейди.

Мана сизга Халқ таълими бўлими масъул ходимининг таълим-тарбия ходимлари билан ишлаш "услуби"!

Эркин Ражабов ҳар томонлама ўйлаб кўргач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишни энг тўғри йўл деб топади. Махсус ишлаб чиқилган ва кўрилган чора-тадбирлар натижасида Жўрақул Муҳаммадиев иш кабинетида Душанбой Муталиев билан биргаликда пулни олган пайтида қўлга олинадилар.

Тергов ҳаракатлари давомида масъул лавозимда ишлаб келган Муҳаммадиевнинг фуқаролардан тушган ариза ва шикоятларни асоссиз равишда қайд этмаслик, уларга ўз вақтида чора кўрмаслик ва хизмат вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлиши каби ҳолатлар ҳам аниқланди. Ҳукм ўқилиб, қонуний йўл туриб товламачилик йўлини танлаганлар муносиб жазога тортилдилар.

Воқеа тафсилотлари билан танишган ҳар бир киши жиноятнинг сабаблари ҳақида ўйга толиши шубҳасиз. Душанбой Муталиев нима учун бундай номаъқул ишга қўл урди? Ахир у аллақачон элликни қоралаб қўйган, ҳар бир босадиган қадамини аввалдан мулоҳаза қилиб кўрадиган, шогирдлари ва фарзандларига ўзининг фазилатлари билан ибрат кўрсатадиган, маслаҳат берса арзийдиган ёшда эди-ку? Ёки Жўрақул Муҳаммадиев арзимаган пул учун масалани бу тарзда ҳал этиши жиноят эканлигини билмасмиди? Муаммонинг кескинлашиб кетишига Эркин Ражабовнинг ўзи ҳам қисман улуш қўшмадими? Бундай саволлар қаторини яна давом эттиравериш мумкин. Унга жавоб ҳам, баҳона ҳам истаганча топилади. Яхшиси, саволларни пешона деворга урилганда эмас, бирор ишга қўл уришдан олдин инсон ўзига бериб кўрмоғи ва мулоҳаза этмоғи даркор-микан?

Энди асосий гап. Педагоглари бу каби "ибратли ишлар" билан банд бўлган мактабнинг, хусусан, ундаги ўқув-тарбия ишларининг ҳоли не кечди экан?! Балки Халқ таълими бўлимининг бу жиноятдан ҳоли бўлган мутасаддилари бу ҳақда энди алоҳида хулоса қиларлар.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Йиғин тажрибасидан

ОППОҚ МАҲАЛЛАСИДАГИ ИШЛАР

Тошкент вилояти

Оппоқ маҳалласи фуқаролар йиғини ўтган йилнинг май ойида Ўрта Чирчиқ туманидаги Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган. Фуқаролар йиғини ташкил топган кундан буён унга шу ерлик тадбиркор инсон Рихсибой Эргашев бошчилик қилиб келмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини ўз оқсоқоли бошчилигида ишни аввало бажарилиши лозим бўлган тадбирларни белгилаб олишдан, ҳар бир маҳаллага сардорлар сайлашдан, маҳаллани бошқариш учун зарур бўлган ўндан ортиқ йўналишдаги комиссияларни тузишдан ва маҳалланинг паспортини яратишдан бошлади. Айни кунда маҳалланинг на ичимлик суви, на электр энергияси ва на табиий газдан бирор бир муаммоси ҳам, қарзи ҳам йўқ. Чунки бу ишларнинг бошида маҳалла йиғини турибди.

Фуқаролар йиғини маҳалла тадбиркорларидан ўз ҳисоб рақамларини шу ерда жойлашган Халқ банки шахобчасига ўтказишларини сўради. Улар бу таклифни қабул қилишди. Хўш, бу нима берди?

Ҳисоб-китобларга қараганда, маҳалла ҳудудидаги тадбиркорларнинг бир кунлик савдо ва хизмат кўрсатиш айланмаси 1 миллион сўмни ташкил этади. Улар бу пулларни Халқ банкига топширадилар ва бу кўрсатгич бир ойда роппароса 30 миллион сўмга етади. Маҳаллада истиқомат қилувчи пенсионерлар ва турли хилда нафақа олувчилар учун эса бир ойда 20 миллион сўм атрофида нақд пул зарур. Тадбиркорлар Халқ банкини нақд пул билан таъминлаяптилар, банк ҳам ўз навбатида маҳалла аҳлининг пенсия ва турли нафақа пулларини ўз вақтидан бир кун ҳам кечиктирмай тўланишига замин яратмоқда. Хўш, бу ўрганишга, ибрат олишга арзийдими?

Шу йилнинг февраль ойи ўрталарида маҳалла ҳудуди тартибга келтирилди, барча ариқзовурлар тозаланди, шу атрофдаги фермерларнинг ерларига маҳаллий ўғит чиқарилди. Бу ишларнинг барчасига ҳам маҳалла фаоллари бош-қош бўлишди.

— Бизнинг асосий мақсадимиз маҳалламизни намунали маҳаллалар қаторига киритиш, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Фарида Эралиева. — Бунинг учун эса ўз маҳалла гузаримиз, болаларимизнинг соғлом, жисмонан бақувват ва маънавий баркамол бўлиб вояга етишлари учун ҳордиқ чиқариш масканини яратишимиз, "Ҳақиқат йўли" ширкат хўжалигининг маданият уйида маҳалла аҳли учун "Санъат маскани"ни ташкил этишимиз керак. Бу билан биз ёшларимиз онгида бўшлиқ бўлмаслигини таъминлаган, уларнинг жиноят йўлига, гиёҳвандликка, ёт оқимларга кириб қолмаслигига замин яратган бўламиз.

Маҳаллада айни кунда 267 нафар ишсиз бор. Маҳалла фаоллари маслаҳатлашиб ишсизликни бартараф этиш мақсадида "Ҳақиқат йўли" ширкат хўжалигига қарашли, бир неча йиллардан бери бўш ётган, чала битган бино ўрнида 25-30 кишини иш билан таъминлайдиган савдо-хизмат мажмуасини яратиш ниятидалар.

— Энг муҳими, бизнинг ташаббусларимизни туман ҳокимлиги, шахсан ҳокимимиз М.Тиллабоев қўллаб-қувватламоқда, — дейди Р.Эргашев. — Шунингдек, "Ҳақиқат йўли" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Назаров, "Хакипет" Ўзбекистон — Олмония қўшма корхонаси бош директори Т.Усмонов, фермерларимиз, тадбиркорларимиз бизга яқиндан кўмак бериб келишаяпти.

Маҳалла фаоллари бу йил ҳомийлар кўмагида "Оппоқ" қабристонини ободонлаштириш, маҳаллалар кўчаларини тартибга келтириш, 1,5 километр масофага асфальт ётқизиш ниятидалар.

Маҳаллада "Энг ибратли китобхон оила", "Ибратли қайнона-келин" ва "Огоҳликка даъват" каби тадбирларни ўтказиш анъанага айланган. Маҳалладошларнинг маҳаллада бўлиб ўтадиган тўй-маросимлардаги аҳиллигига, бир-бирларини суяшларига ҳавасингиз келади. Аслида, ҳар бир маҳаллаларимизда ана шундай аҳиллик, ҳамжиҳатлик бўлиши керак. Маҳаллада яшайдиган инсонлар доимо бир-бирларига керак бўлиб яшаса, шу ерда барака бўлади.

Толиб ҲАКИМОВ

СУРАТДА: маҳалла оқсоқоли Р.Эргашев табаррук онахонлар даврасида.

Водий хабарлари

Наманган вилояти

МАҲАЛЛА МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ

Наманган шаҳрида БМТнинг "Турмуш тарзини ривожлантириш" дастурида белгиланган масалалар муҳокамасига бағишланган минтақавий семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятнинг чекка ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга алоқадор бўлган ташкилот ва корхоналар, шаҳар ва туман ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, тадбиркорлар иштирок этдилар.

Семинар-тренингда Косонсой, Янгиқўрғон, Чортоқ туманларидаги 50 та чекка маҳаллаларда аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилаш йўллари ҳақида сўз борди.

Иштирокчилар уч гуруҳга бўлиниб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича ўзларининг бирламчи лойиҳаларини ишлаб чиқдилар. Дастур ташкилотчилари энди бу лойиҳаларни умумлаштириб, мукаммал лойиҳа тайёрлайдилар ва уни молиялаштириш учун тавсия этадилар.

— Дарҳақиқат, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларимизда, айниқса узоқ ҳудудларимизда анчагина муаммолар йиғилиб қолган, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими масъул котиби Тўлқинжон Оманулаев. — Биз семинар-тренингда иштирок этиб, ана шу муаммоларни ҳал этиш учун ўзимизда ҳам жуда кўп имкониятлар борлигини тушуниб етдик. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига зарур топшириқларни бердик.

Шер АЛИ

Андижон вилояти

"ЁРҚИШЛОҚ"ДА ЁҒ ЗАВОДИ ИШГА ТУШАДИ

Жалақудуқ туманидаги "Ёрқишлоқ" ширкат хўжалигида бунёд этилаётган кичик ёғ заводи ишга туширилиш арафасида.

— Биз икки йил олдин туркиялик ҳамкорлар билан музокаралар чоғида хўжалигимизда бўш ётган ишлаб чиқариш бинолари борлигини айтган эдик, — дейди хўжалик бошқарувининг раиси Юсуфжон Сотволдиев. — Улар бу жойлар билан танишиб ёғ заводи учун технологик ускуналар етказиб беришни ўз зиммасига олган эдилар. Давлатимиз зарур миқдордаги кредитни биз учун ажратиб берди. Ҳозир барча ускуналар тайёр.

Ўттизга яқин ҳамқишлоқларни доимий иш билан таъминлашни кўзда тутаётган бу корхона шу йилнинг иккинчи ярмида ишга туширилади. У асосан кунгабоқар ҳосилини қайта ишлашга мослашган. Бу хўжаликда ишсизликни бартараф этишга қаратилган кўп йиллик дастурнинг асосий бандларидан бири бажарилганлигидан далолат.

Ана шу дастурга асосан кейинги икки йил мобайнида хўжаликда қурилган ва ташкил этилган кичик ишлаб чиқариш корхоналарда 100 дан зиёд одамлар иш билан таъминланади.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент вилояти

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ёрдамчи хўжалигининг "Ўрғозсой" қўйчилик бригадаси аъзоларини асосан Ўрғоз маҳалласи аҳолиси ташкил қилади. Айни пайтда хўжаликда 3 минг бош қўй-қўзи боқилаяпти. Чорвачилик соҳасида катта тажриба орттирган Абдували Наврўзқулов хўжаликнинг бош чўпони. У бу йил ўз боқувидаги 300 бош қўйдан 285 та қўзи олди. Шу кунларда хўжаликда қўй-қўзилар юнгини қирқиш ишлари қизғин паллага кирган.

СУРАТДА: *хўжалик бош чўпони А.Наврўзқулов.*
Хўжалик аъзолари ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

Қорақалпоғистон Республикаси

МАСЛАҲАТЧИЛАР МАСЛАҲАТЛАШМОҚДА

Тахтакўпир туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ташаббуси билан ҳар ҳафтанинг шанба куни маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг маслаҳатлашув куни сифатида қаралмоқда.

Бу галги тадбир "Мулк" ширкат хўжалигида ўтказиляпти. Унинг иштирокчилари мамлакат Президентининг "Хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси, "Сиҳат-саломатлик йили" дастурини амалга ошириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби қатор ҳаётий масалалар хусусида фикрлашиб олишди. Ўзаро тажриба алмашишди.

Бундай фойдали тадбирларни бошқа туманларда ҳам ўтказиш режалаштирилди.

МЎЙНОҚЛИК ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Экологик мураккаб вазият эпицентри ташаббуси билан Мўйноқ тумани ҳамширалари орасида кўрик-танлов ўтказилади.

"Аъло ҳамшира" номи учун дастлабки даврада ғолиб бўлган 18 нафар ўрта бўғин тиббий ходималари нуфузли ҳакамлар ҳайъати ва кўп сонли кузатувчилар ҳузурида касб маҳорати, беморларга дастлабки тиббий хизмат, миллий урф-одатлар борасидаги ўз билим ва маҳоратларини намойиш қилишди.

Танлов якунида туман марказий касалхонасининг тез ёрдам маркази ходимаси Даригул Қутлимуродова Мўйноқнинг 2005 йилги "Аъло ҳамшираси" деб топилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистоннинг барча шаҳарлари ва туманларида ҳам ўтказиляпти.

НУКУСДА ЯНГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

Нукус шаҳрининг шимолий-шарқий қисмида уч қаватли иморат тезкорлик билан қад ростламоқда.

Бу Нукусдаги тўртинчи академик лицей биноси бўлади. Унинг тўлиқ қуриб, ишга туширилиши учун 2 миллиард 17 миллион сўм ажратилган.

— Объектни декабр ойида — Ўзбекистон Конституцияси куни шарофатига фойдаланишга топширмоқчимиз, — деди бино қураётган "Жамбасқурилиш" масъулияти чекланган жамият махсус бригадалар раҳбари Азизбек Чинтемиров. — Айни пайтда бунёдкорлар уч сменада астойдил меҳнат қилишмоқда. Уларга барча ишлаш ва яшаш шароитлари яратилган, қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилаяпти.

ШЎРОХОНЛИК ҚИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Тўрткўл туманидаги Шўрохон овули фуқаролар йиғини ҳудудида 50 ўринли "Гулноз" болалар боғчаси ишга тушди.

Мазкур мактабгача тарбия муассасаси туман халқ таълими бўлими ва ҳомийлар томонидан зарурий жиҳозлар билан таъминланди. Муассаса ишга тушиши билан қишлоқдаги 10 нафар аёллар муқим иш ўрнига эга бўлишди. Боғчага ёрдамчи хўжалик сифатида бир гектар ҳосилдор ер майдони ҳам ажратилди.

Ушбу хайрли ишдан сўнг мустақиллик йилларида Тўрткўл туманида иш бошлаган болалар боғчалари сони 23 тага етди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Маҳаллада яшаш тарзи

ЯХШИ ҚЎШНИЛАР БОР БЎЛСИН

Кунларнинг бирида уйда ёлғиз қолиб зериккан ўғлим айвонга гугурт олиб чиқади ва чақиб пастга ташлай бошлайди. Бехосдан дераза пардасига ўтган олов аланга олади. Бола жонҳолатда парданинг ёнаётган қисмига осилиб полга туширади, оёғи билан тепкилаб, ўчирдим, деб хаёл қилади ва қуйган матони айвондаги эски кийим-кечаклар турадиган шкафга яширади. Чала ёнган материал аста-секин тутаб, ёнидаги нарсаларга ҳам ўтади. Бир зумда уй ичи тутунга тўлиб, очиқ деразадан ташқарига ўрмалайди.

Қилиб қўйган ишидан қўрқиб кетган боланинг эсига на қўни-қўшнини ёрдамга чақириш, на дадасининг ёки менинг ишхонамга телефон қилиш келади, уйда тутундан бўғилганча йиғлаб ўтираверади. Хайриятки, ўша пайтда биздан икки қават юқорида яшайдиган қўшни аёл кир ёймоқчи бўлиб тутунни кўриб қолади ва эрига айтиб энди алангаланаётган оловни ўчириб қолишади. Ишдан қайтганимда бўлган ҳодисани эшитиб ҳушимдан айрилишимга бир баҳя қолди. Ўша топда мудҳиш фалокатнинг олдини олган қўшниларга ёндош қилган ва фарзандимни панохида асраган Аллоҳга шукроналар айтдим. Воқеадан хабардор қўшниларнинг кўнгил сўраб чиқишлари ҳамда "Ёш болани уйда ёлғиз қолдирмай бизникига ташлаб кетмайсизми, болалар билан ўйнаб ўтирарди. Келаси сафар бирортамизникига беҳижолат ташлаб кетаверинг. Ахир биз кечгача уйдамиз, қўшни шундай пайтларда керак бўлади", деган самимий сўзларини эшитиб уларга меҳрим янада ортди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳам умматларига Тангридан яхши қўшни ато этишини сўрамоқликни ва улар билан аҳил муносабатда бўлмоқликни буюрганлар. Балки бошқа пайтларда ҳам шундайдир, лекин пойтахтнинг биз истиқомат қилаётган маҳалласи одамларининг аҳиллиги ёшлар ва фарзандларимиз тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар йили баҳорда сумалак қиламиз. Ҳовлига катта дошқозон қурилади ва каттаю кичик маҳалладошлар учун жой қилинади. Болалар ҳам шу куни жуда яйрайдилар ва "Яна қачон сумалак қиламиз", деб бот-бот саволга тутадилар. Ўртада ёзилган дастурхонга ҳар ким топганини — биров пишириқ, биров ширинлик, яна биров мева-чева кўтариб чиқади. Сумалак баҳона ўтган йили иккита боланинг мучал тўйини нишонлаган эдик. Бу йил эса қўшни қизчанинг 10 ёши ва янги чақалоқнинг дунёга келишини қутладик. Тўкин дастурхон устида айтилган тилаклар, шўх мусиқа ва рақслар, болаларнинг хурсандчилиги ҳаммани ҳушнуд этди. Бу тадбирга рус, корейс, татар миллатига мансуб бўлган қўшнилар ҳам ҳавас билан қараб, сумалак ҳақида, унинг тайёрланиши, тарихи тўғрисида сўрашар, "Ихлос билан, яхши тилаклар қилиб кавласангиз, ниятингизга етасиз" деганимиз учун кавлаб ҳам кетишарди. Хуллас, сумалак қилиб ҳаммага тарқатилди. Менимча, сумалакка қўшиб оқибат, меҳр ҳам улашилди.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Олам турфа

ЗИЁФАТГА ОТЛАНГАНДА ҚОШИҒИНГИЗНИ УНУТМАНГ

Қошиқ анчагина улуғ ёшда. Қадимда одамлар қошиқларни ҳам пичоқ сингари қинга солиб, ўзлари билан олиб юрганлар. Шу туфайли ҳам "тежамкор меҳмон қошиғи билан келади", "ўз қошиғинг билан бировни косасини ковлама" қабилидаги мақоллар пайдо бўлган.

САРИЁҒ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Кўпчилик сариёғни яқин ўтмишда пайдо бўлган деб ҳисоблашади. Аммо, бу нотўғри. V асрда Ирландияда, IX асрда Италияда ва Россияда сариёғ кенг тарқалган истаъмол воситаси ҳисобланган. Норвегияликлар VII асрдаёқ ўзлари билан узоқ денгиз сафарларига сигир сутидан тайёрланган сариёғни олиб кетишган. Қадимги қўлёзмалардан бирида айтилишича, Пейенег монастри деҳқонларидан сариёғни сотиб олиб, уни Антверпен ва Амстердамга элтиб сотар экан.

АЛДАШ СОҒЛИҚ ҲАМ ЗИЁН

Ҳар сафар инсон ёлғон гапираётганида унинг миясида электромагнит импульсларининг сезиларли сакраши рўй беради. Олимлар эса бу сакрашнинг инсон хотирасида бир умр сақланиши, шу билан бирга анча жойни эгаллашини аниқлашди. Агар инсон миясини компьютернинг қаттиқ диски деб тасаввур қилсак, (айнан ўша ерда узоқ муддатли хотира сақланади), буни тушуниш осон. Биз қанчалик кўп алдасак, дискда шунчалик кам жой қолади. Кашфиётни олимлар инсон қариганда хотира йўқотиши ёки телбаликка юз тутишининг сабаби шундан бўлса керак, деб таҳлил қиладилар. Шундай экан, алдаш нафақат ҳукм одат, балки соғлиқ учун ҳам зиён экан.

Наима САИДАХМЕДОВА тайёрлади

МЕҲР БЕРИБ, ҚАДР ТОПАЁТГАН ЭЛ

ёки Деновнинг бир куни

Сурхондарё вилояти

"МАҲАЛЛА"ДАН ДЕНОВЛИКЛАР МИННАТДОР

Усмон Қодиров кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Ташкилотчи, ташаббускор киши сифатида эътибор қозонган.

Айни пайтда Усмон ака "Маҳалла" жамғармаси Денов тумани бўлинмаси раиси. У ана шу вазифада ишлаётганидан буён ўтган икки йил мобайнида жамғарманинг фаолияти сезиларли даражада кучайди.

Туманда маҳаллалар сони юздан ортиқ. Йигирмага яқин қишлоқ йиғинлари ҳам бор. Барчаси шинамгина идора биноларида фаолият юритади. Аксариятида телефон сўзлашуви йўлга қўйилган. Идора анжомлар билан таъминланган. Шундай бўлсада, маҳалла идорасини жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Март ойида ўтказилган хайрия ҳашаридан жамғарма ҳисобига ўн бир миллион сўмдан ортиқ пул тушди. Унинг тўрт миллион уч юз олтмиш минг сўмига идора жиҳозлари олиниб, маҳаллаларга тарқатилди.

Тумандаги қариялар чойхонаси таъмирталаб бўлиб қолган эди. Бу ишга жамғарма бўлинмаси ҳомийлик қилди. Чойхонани тўла-тўкис таъмирлашга 1 млн. 600 минг сўм маблағ сарфланди. Тумандаги ночор оила аъзолари, бетоб ётган кишилар, ногиронлар ҳам бўлинманинг хайрли ишларидан миннатдор. Қарийб бир миллион сўм маблағ эҳтиёжманд одамларга тарқатиб берилди. Бундан ташқари, маҳалла жамғармаси хизматчиларининг ҳам мушкули осон кечадиган бўлди. Уларга замонавий "Пентюм-4" компьютери совға қилинди.

ГАВЖУМ ГУЗАР

Денов туманидаги Ҳайдар Муродов номли маҳалла йилдан-йилга кўркам қишфа касб этмоқда. 1460 оилада истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражаси ўсмоқда.

Уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун барча қулайликлар яратилган. Тоза ичимлик суви, табиий газ қувурлари кириб бормаган хонадон кам топилади. Йўллар астфальтланган, атрофига анвойи гуллар экилган. Боғлар кенгайтирилаяпти. Шу йилнинг ўзида минг туп арча, беш юз туп хурмо, анжир, олма, нок дарахти кўчатлари ўтказилди.

Булар маҳалла йиғини раиси Равшан Холбоевнинг сайъ-ҳаркатлари самараси.

Гузардан маҳалла милиция таянч пункти ходимлари учун шинам хоналар ажратилди. Одамлар сартарошхона, тикув-бичув корхонаси, радио-телевизор ҳамда пойафзал таъмирлаш устахонаси, тиббиёт пункти, дорихона хизматидан кенг фойдаланмоқдалар. Алоҳида ажратилган компьютер хонаси эса ҳамма вақт ёшлар билан гавжум.

УЧ АСРНИ КЎРГАН МОМО

Ҳазорбоғ қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлганимда оқсоқол Фурқат Асланов мени Янги Ҳазорбоғ маҳалласидаги оддийгина бир хонадонга бошлаб борди. Ичкаридан ёши етмишларни қоралаб қолган қария чиқди.

— Бувини зиёрат қилгани келгандик, ота, — деди қишлоқ оқсоқоли Фурқат Асланов. — Ҳузурларига бошлаб кирсангиз.

— Жоним билан, ўғлим, онамиз табаррук аёл. Ахир, уч асрнинг шоҳиди у киши. Дуосини олсак, иншоллоҳ, кам бўлмаймиз, — деди қария.

Қария деганимиз Ҳадича момо Алиқулованинг кенжа ўғли. Серфарзанд оила бошлиғи, набиралари ҳам бир этак.

Шинамгина хонага кирдик. Ўзбекона жиҳозланган уй Термиздан, Жарқўрғондан, қўшни Туркманистондан ташриф буюрган меҳмонлар билан лиқ тўла эди. Хона тўрида чорқат қилиб ташланган қалин кўрпача устида чордона қуриб ўтирган нуроний онахон эътиборимизни торди. Момо билан суҳбат қурдик.

У киши 1897 йили туғилган экан. Демак, Ҳадича Алиқулова уч асрлик тарихнинг тирик гувоҳи. Тақдир уни йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмида Денов туманига бошлаб келган. Ҳазорбоғ қишлоғида қўним топган. Ўшанда ўттиз ёшда эди у. Суронли йилларни яхшигина эслайди момо. "Колхозда ишлардим, қўш ҳайдаб, ер ағдардим, мола босдим. Қўйлагимнинг этагини уруғга тўлдириб, ғалла экдим. Ўроқ ўрдим. Сўнг пахтакорлик ҳам қилганман. Уруш бошланди, гермон уруши. Эркаклар жангга кетди. Аёллар фронт учун тинмай меҳнат қилдик". — деди Ҳадича момо. — "Яхши кунларни ҳам кўп кўрдик — бир очликнинг бир тўқлиги ҳам бўлар экан. Хирмон-хирмон донга эга бўлдик. Қўлимиз даста-даста пул кўрди. Ҳовли-жой қурдик. Мошин миндик. Фарзандларимнинг роҳатини кўрдим. Армоним йўқ."

Ҳа, Ҳадича момо беш фарзандга оналик қилган. Учови ўғил. Абдулаҳад бобо — саксон ёшда, Абдулҳаким етмиш тўртга тўлди. Кенжаси Ҳамид Бўтаев эса етмишга етди. Ҳадича момо ўғил-қизларининг номларини бирма-бир санай олди. Навбат набираларга келганда ўнтасининг исмини тилга олди-да, сўнг тўхтаб қолди, ўйга толди. Эслолмади. Қаричиликда, 108 ёшга тўлган Ҳадича момонинг қулоғига ўғли Ҳамид бобо шипшитди.

Момо яхшилик тилаётган набираларининг сони ҳозир бир юз қирқдан ошиқ. Қирқ олти нафар абираси ҳам бор. Дубораси эса беш нафар. Улар катта бир эл. Келин-куёвлар, куда-андалар, қариндош-уруғларни ҳисобга олганда Янги Ҳазорбоғ маҳалласини ташкил этади. Шу боисдан ҳам момонинг атрофидан одам аримайди. Дуосини олиш мақсадида унинг ҳузурига кириб чиқадиган меҳмонларнинг сони ҳам беҳисоб.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *103 ёшли Ҳадича момо ўз чеваралари билан.*

"O'G'LON" фермер хўжалиги қуйидаги эмитентга доир акцияларни сотиб олиши ҳақида маълум қилади:

Юридик шахснинг номи	"O'G'LON" фермер хўжалиги
Эмитентнинг тўлиқ номи ва манзили	"Жондор пахта тозалаш заводи" ОАЖ Бухоро вилояти Жондор тумани Навоий ширкат хўжалиги Хумин қишлоғи
Сотиб олинаётган акциялар тури	Оддий акция, тўлов — пул ўтказиш йўл билан
Сотиб олинаётган акциялар сони	48124 (қирқ саккиз минг бирюз йигирма тўрт) дона
Сотиб олинаётган акциялар кўлами	Низом фондининг 18,44%.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази нашри — "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг янги сони ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

Унда эълон қилинган материаллар, асосан, Сиҳатсаломатлик йили мазмунмоҳиятини ҳар томонлама чуқур очиб беришга қаратилган.

Журналнинг илк саҳифалари Президент Ислом Каримовнинг Конституциямизнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқидан кўчирмалар билан бошланади. Нашрда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий бой авлодни тарбиялаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган муҳим ҳужжат—Вазирлар Маҳкамасининг "Сиҳатсаломатлик йили" давлат дастури тўғрисидаги қарори ҳам чоп этилган.

Шунингдек, ўнга яқин олимлар, тадқиқотчи ва мутахассислар мақолаларида Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш борасидаги залворли ишлар, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга қаратилган миллий қонунлар, уларни янада такомиллаштириш масалалари, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари муҳофазасининг ўрни ва аҳамияти, ислом ҳуқуқшунослигининг бу борадаги айрим ўзига хос жиҳатлари ҳусусида сўз боради.

Лазиз РАҲМАТОВ

ТАРИХИЙ ТУПРОҚҚАЛЪА

Тупроққалъа — милоддан аввалги I аср ва милодий VI аср охирига тааллуқли қадимги шаҳар-қалъа харобаси. Ўз даврида салобатли, гўзал қалъа атрофи мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинганлиги, қалъа ичида турли мақсадларда фойдаланиладиган, қурилиш услуби ва нақшинкорлиги жиҳатидан бир-бирдан фарқ қиладиган чиройли саройлар, турар-жой бинолар жойлашганлиги тарихчи, қадимшунос ва санъатшунос олимлар томонидан қазиб ўрганилган ва аниқланган. Асрлар оша бизгача сақланиб келган Тупроққалъа қолдиқлари — харобалари Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани ҳудудида жойлашган.

Қалъа ўзининг тузилиши жиҳатидан тўғри тўртбурчакли (500 х 350 м) бўлиб, гумбазсимон йўлакли ва буржли, қудратли мудофаа девори билан ўраб олинган. Деворининг жануб томонидаги дарвозасидан ичкарига, ибодатхонага асосий кўча ўтган. Бу ердаги кўндаланг тушган кўчалар шаҳарни 10 та маҳаллага бўлган. Ундан эса ён-атрофга кўчалар кетган, маҳаллалар бир-биридан ажралиб турган.

Тупроққалъанинг шимоли-ғарбий қисмида баландлиги 25 метрлик махсус кўтарма супа устига хом ғиштдан салобатли қаср қурилган. Ушбу қасрга ёнма-ён қилиб арк биноси жойлашган. Аркнинг атрофига баландлиги 25 метрлик 3 та улкан бурж ҳам қурилган бўлиб, унинг қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган.

Арк ёнидаги катта майдонда бир-бирига туташган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қатор иморатлар жойлашган. Марказда майдоннинг асосий биноси Муқаддас оловхона жойлашган. Ундан шаҳар дарвозасига қараб марказий кўча ўтган. Бу кўчадан ўнг ва чап томон кетган кичик кўчаларнинг ҳар бирида 200 га яқин бинолар бўлган ва бу биноларни, яъни турар жойларни бирлаштирувчи 8-10 тагача маҳаллалар бўлган.

Катта ҳудудни эгаллаган Тупроққалъа ичида кўплаб турар-жой ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган икки қаватли бинолар, хоналар жойлашган. Булардан ташқари, "Махсус қабулхоналар" яъни "Шоҳлар саройи" ҳам шу ерда жойлашган. Шаҳар ҳудудида катта-кичик саройлар, турли хоналар, заллар, жумладан: "Ҳарбийлар зали", "Ғалаба зали" турли хўжалик бинолари, турар-жойлар, ҳар хилдаги устахоналар, жумладан, ҳарбий анжомлар тайёрлайдиган устахоналар бўлиб, унда темир найзалар ва учи парракли ўқлар ва бошқа уруш ва меҳнат қуроллари тайёрланган. Шаҳар ҳунармандларининг устахоналари, кулолчилик хумдонлари, дўконлари ҳам мана шу ерда жойлаштирилган. Тупроққалъа ичида яна савдо-сотиқ қилиш учун бозор майдони ҳам бунёд этилган.

Тупроққалъада турли тадбирлар, маросимлар, байрамлар, сайиллар, йиғилишлар, тантаналар мунтазам равишда ўтказилиб турилган. Жумладан, қадимги хоразмликларнинг энг қадимий байрамларидан бири ҳисобланган Наврўз Тупроққалъада қандай нишонланганлиги ҳақида "Авесто" китобида битиклар бор.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий Тупроққалъа шаҳарчаси эрамизнинг III-IV асрларидан Хоразм давлатининг пойтахти бўлиб, шу даврларда ҳар томонлама ривожланиб, гуллаб-яшнаган.

Тарихчи, қадимшунос ва санъатшунос олимларимизнинг илмий хулосаларига кўра, Тупроққалъада ҳаёт милодий VI аср охири VII аср бошларига қадар давом этган. Замонлар ўтиши билан турли табиий офатлар, зилзилалар, суғориш иншоотларининг бузулиши натижасида, қурғоқчиликнинг бошланиши ҳамда ташқи ҳужумларнинг авж олиши туфайли ҳаёт анча оғирлаша боради ва охир-оқибат ҳаёт тўхтаб, бинолар вайронага айланиб, тупроқ остида қолади ва асрлар давомида бу вайроналар ўрганилмай одамлар назаридан четда қолиб кетаверган. Қалъа-шаҳар аҳолиси бу ерни тарк этиб, бошқа маконга кўчиб жойлашганлар.

Тупроққалъа. Тикланган.

Тупроққалъанинг қурилиш услуби, тузилиши ва безаги тўғрисида гап кетганда, Тупроққалъа — шаҳар ўз даврида тўрт бурчак шаклдаги минорали, атрофи ғиштдан баланд ва мустаҳкам девор билан ўраб олинган бўлиб, қалъа ичида турар-жойлар, ҳукмдорнинг саройи ва бошқа бинолар, хоналари бўлган.

Тупроққалъадаги биноларнинг ҳаммаси қатъий бир режа асосида қурилган. Бу тарихий қалъага ўша даврда буюк аллома Абу Райҳон Беруний қуйидагича таъриф берган:

"Бу қалъанинг уч девори пахсадан ва хом ғиштдан урилган: буларнинг бири иккинчиси ичига жойлашган, ҳар бирининг баландлиги бошқасиникига қараганда ошиб боради: аммо шоҳлар қасри ҳаммасидан ҳам баланддир".

Тупроққалъа қолдиғи харобаларида қазиш, текшириш ва ўрганиш ишлари асосан XX асрнинг 30-йилларидан бошланган. Бу ишларни 1938-1950 йилларда Хоразм археологик-этнографик илмий экспедицияси амалга оширди.

Бу ишларга Ўзбекистон қадимшуносларининг сардори, марҳум академик Яҳё Ғуломов ҳамда профессор Толстовлар бош-қош бўлганлар. Тупроққалъа харобасини қазиш вақтида 100 га яқин турар-жойлар, 8 та сарой борлиги аниқланди ва илмий асосда ўрганилди. Булардан ташқари, ҳунармандчилик буюмлари, тикувчилик дастгоҳлари, кулолчилик буюмлари, сопол қувурлар, уй-жой қолдиқлари, анжомлари, уй-рўзғор буюмлари, ҳунармандчилик устахоналари ва бошқа тарихий-қадимий буюмлар топилган. Қадимшунос олимлар кўплаб меҳнат ва ов қуролларини ҳам топганлар.

Шунингдек, Тупроққалъадаги подшоҳ архивидан тери ва ёғочга қадимги Хоразм ёзувида битилган 100 дан ортиқ ҳужжат ҳам топилган. Қадимги хоразмликлар ўз ёзувига ҳам эга бўлгани ҳаммага маълум. Бу эса ўлка маданияти ва илм-фани юксак чўққига кўтарилганидан далолат беради.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

С.ДЕҲҚОНБОЕВ олган сурат.

Тошкент вилояти

Маҳаллаларда маърифий-маданий тадбирларни мунтазам равишда ўтказиш яхши анъанага айланмоқда. Чунки, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришда, маданий-ҳуқуқий-ижтимоий савиясини оширишда бундай тадбирларнинг аҳамияти беқиёсдир.

СУРАТДА: *яқинда Бекобод туманида туман маҳаллалари аҳолиси ва ёшлари учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан ташкил этилган учрашувдан лавҳа.*

Табиат ва биз

ДАРЁНИНГ ҲАМ НИДОСИ БОР...

У қачон одамлар қалбига етаркин?

Кекса отахон ва онахонларнинг хотирлашларича, Кўҳитанг тоғининг асрий қор ва музликларидан ҳосил бўлувчи, Сурхон заминидан оқувчи Қорасув дарёси бундан бир неча ўн йиллар муқаддам ўзининг жўшқин ва мусаффо суви, ён бағридаги қалин тўқайзор ва бутазорлари билан инсонлар учун гўзаллик маскани, жониворлар, паррандалар даррандалар учун эса қишин-ёзин озуқа ва ҳаёт манбаи бўлиб хизмат қилган.

Шунинг учун ҳам дарё унга яқин ҳудудда яшовчи аҳоли томонидан бениҳоя қадрланган. Айниқса, дарёга турли чиқиндилар тўкиб, уни ифлослантирганлар халқ томонидан қаттиқ лаънатланган ва уларга маҳалла оқсоқоллари, кайвонилари томонидан маънавий жазо қўлланилган.

Дарҳақиқат, бундан 40-50 йил муқаддам ҳам она табиатнинг сўлим ва бетакрор гўшаси бўлган Қорасув дарёси ўзани ва унинг атрофидаги яшил водийлар чорвачилик ва маълум маънода балиқчилик ўчоғи бўлган. Дарёда 10 дан ортиқ балиқ, унинг соҳилларида 50 дан ортиқ ўтроқ ва мавсумда учиб келувчи қушлар, кўплаб тўқай жониворлари турлари мавжуд бўлган. Қолаверса, бу ерлар турли доривор ўсимликларга ҳам бой бўлган. Қорасув дарёсида сув кўпайган ва дала-дашт яшилликкa бурканган паллада қадимдан аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ маросимларни уюштирганлар. Бунда кишилар дарё бўйида тўпланиб, қурбонлик қилган, дуога қўл очиб, юрт тинчлиги, осойишталиги, қолаверса, деҳқончилик ва чорвачиликка барака сўрағанлар...

XX асрнинг сўнгги ўн йилликлари давомида ер юзида аҳоли сонининг кескин ўсиши ҳамда атроф-муҳитга ваҳшийларча муносабатлар табиатнинг буюк қонунларига ҳам ўзгартириш ясади. Ҳазрати инсоннинг ана шу ҳаттиҳаракати эҳтимол бир неча минг йиллар мобайнида ўз мувозанатини бир меъёр атрофида сақлаб келаётган борлиқнинг тизимини шафқатсиз бузди ва темперамент нуқтасини йўқотишига олиб келди.

Менимча, бундай муаммолар Қорасув дарёсига дахлдор эмас, десак янглишган бўламиз. Чунки дарё аввалги кўринишини бутунлай йўқотган. Тўқайзор ва бутазорлар ўрнида ўзлаштирилган ерлар пайдо бўлди. Соҳил ва тўқай дарахтлари кесиб ташланди, ҳатто таг-томирлари билан кавланиб, ўчоққа ўтин қилиб қаланди. Дарё қушлари ови авж олди. Айниқса, лайлакнинг аёвсиз қирилиб кетиши кишини дилгир қилиши табиий. Дарёда балиқ турлари ҳам анча камайган. Боз устига, одамлар ҳам қадимий урф-одатларни, анъаналарни унутди шекилли, сувга чиқиндилар ташлана бошланди, оқизилаётган турли заҳарли кимёвий моддалар сувни ифлослантирди. Оқибат эса аён: дарёнинг суви камайди, соҳили қисқарди, оқимнинг шашти қайтди. Хуллас, илгари одамлар дарё бўйига бориб, кўнгил чигалларини ёзиб, вужудидан ғуборни чиқарган бўлса, энди дарёнинг ёнига йўлаган кишининг дили ғаш бўлиб қайтади. Дарё сувининг шилдираб оқаётганига қулоқ солсангиз, унинг дардини ҳис қиласиз. Сув юзида – тўлқинларга "миниб" оқаётган чиқиндиларни кўриб, қанийди ана шу нопок ишга қўл ураётганлар бир бора сув дардига қулоқ тутиб, ўзига муносиб хулосани чиқариб олса, деб орзу қиласан киши.

Дилмурод СОДИҚОВ,
ЎзМУ талабаси.

Кадр топганлар

Хоразм вилояти

Маҳаллада ўрни бор,
Элда топган эътибор,
Кўрган тўқсон беш баҳор,
Норжон момога салом!

НОРЖОН МОМОНИНГ НИЯТИ

Қўшни хонадонга келин тушган маҳали Норжон момонинг номини ҳам иззат-икром билан "Келин салом"га қўшиб ўтишди. Момонинг номи барча маҳалладошлари оилаларига келин тушаётган қутлуғ лаҳзаларда, албатта эҳтиром билан тилга олинади. Келинларнинг Норжон момо каби меҳр-вафоли, садоқатли бўлишлари, узоқ умр кўришлари ният қилинади. Бундай лаҳзаларда момонинг ўзи эса бир суюнади, бошидан ўтган ўша маҳзун кунларни эсга олиб гоҳида ўз-ўзича куюнади. Умр йўлдоши Матёқуб Иброҳимов Иккинчи жаҳон урушига кетганида уч нафар фарзанд кўришган эди. Матёқуб ўз мактубида яна ой-куни яқинлашган Норжонини юпатган бўлди: "Биз албатта, ғалаба қиламиз. Ўғил бўлса, исмини Зафарбек қўйинг..." Уруш ғалаба билан тугади. Бироқ умр йўлдоши қайтмади. Жанглардаги жасорати учун орден-медаллар билан тақдирланганлиги, бироқ 1943 йилда, шиддатли жангларнинг бирида боши ва кўкрагидан яраланиб, госпиталда ҳаёт билан видолашгани ҳақида қора хат келди.

— Бу фронтдан келган сўнгги мактуб бўлди, — дейди Норжон момо сарғайиб кетган хатни авайлаб оларкан. — Фарзандимиз исмини Зафар қўйишни айтганди. Ўғил эмас, қиз туғилди. Отасидан ёдгор бўлсин деб, исмини Ёдгора қўйдик. Қизим зиёли бўлиб етишди. Олима. Ижодкор. Шеърлар ёзиб туради. "Умр шуъласи" деб номланган тўпламида отасини кўролмаганини армон билан ёзибди. Яна бир ўғлим Вафожон — ҳуқуқшунос. 40 йил шу соҳада ишлади. Ҳозир маҳалла оқсоқоли. Яқинда 70 ёшга тўлишини нишонладик. У ҳам адабиёт ва санъат шайдоси. "Ёзувчи" нашриётида "Шудрингли сўқмоқлар" номли китоби чиқди. У ҳам урушда ҳалок бўлган отаси ҳақида шеърлар битган. Яна бир ўғлим Ботиржон темир йўл соҳаси фахрийси. 60 ёшга тўлиши арафасида у ҳам ўзининг хотиралар китобини нашр қилдирди. Энди ўғлим Эркинбой ҳам, ҳаётда кўрган-кечирганлари ҳақида ёзаётган китобини нашр қилдириш ҳаракатида юрибди. Аслида, ижодкорлик фарзандларимга раҳматли отасидан ўтган. Отаси муаллим бўлиб ишлаган, узоқ йиллар вилоят халқ таълими бошқармасига раҳбарлик қилган, шеърлар, ҳикоялар ёзиб турарди. Ўзим ҳам муаллималик қилганман, ижодга қизиқаман.

— Матёқуб Иброҳимовдек умр йўлдошим бўлганлигидан фахрланаман, — дейди Норжон момо сўзини давом эттириб. — У мард, жасур, ўзбек ўғлони эди. Тинчлик ва озодлик йўлида жон фидо қилди. Номи абадийлаштирилди. "Хотира майдони"даги мармар тошда унинг номи зикр этилган. Туғилган юрти Хива шаҳридаги кўчалардан бири унинг номи билан аталади.

Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида, 1995 йилнинг баҳорида Норжон момо ўғли Ботиржон билан Россиянинг Новгород вилояти Березовка қишлоғидаги умр йўлдоши дафн этилган жойга бориб, бир қисм она юрт тупроғини қабр пойига қўйган ва у ердан ўзи билан бир қисм тупроқ олиб қайтганди. "Бу юрагимда армон эди, энди тинч-хотиржам бўлдим, — дейди Норжон момо. — Илоҳо, келажак авлодларимиз сира уруш нималигини билмай, осойишта турмуш кечирсинлар. Осмонимиз ҳамиша беғубор бўлиб, тинчлик, хотиржамлик, аҳллик барқарор бўлсин!"

... Момонинг ниятларига ҳамоҳанг бўлиб, қўшни хонадондан яна келин саломи қулоққа чалинди:

Невара-ю чевара,
Ҳатто кўрган эвара,
Умри ибрат ва сара,
Норжон момога салом!

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сирдарё вилояти

ОДАМ СИЙЛАНГАН ЖОЙДА АЗИЗ

Мирзачўл туманидаги Мустақиллик маҳалласида 83 ёшли қария Клавдия Мардошова истиқомат қилади. Кўп йиллар Гагарин шаҳрида умргузаронлик қилиб меҳнат фаолиятини якунлаган пенсионер аянинг бугунги кунда ижтимоий ёрдамга, меҳрга муҳтожлигини маҳалла жамоаси тўғри англаб, унга саховат кўрсатдилар.

Маҳалланинг ўзига тўқ тадбиркори Маъруфжон Тўраевнинг зиммасига бу масъулиятли вазифани юкладилар. Тўғрироғи, бу савобли ишни Маъруфжоннинг ўзи бажараман, деб талаб қилиб олди. Шундан бери тадбиркор парваришга муҳтож онахоннинг ҳолидан хабар олиб турибди. Байрамларда, тантанали кунларда совға-саломлар тайёрлаб, унинг кўнглини кўтараяпти. Онахон бу саховатпеша инсондан жуда хурсанд.

— Биз Гагарин шаҳрига ёшлигимизда кўчиб келганмиз, — дейди онахон. — Ўтган умримда ўзбек халқидан фақат яхшилик кўрдим. Сийланган жойда одам азиз бўларкан. Мана қариб, ёрдамга муҳтож бўлиб қолган чоғларимда ҳам саховатли кишилар ёрдам қўлини чўзаяпти. Уларнинг меҳрибонлиги учун чин қалбимдан раҳмат айтаман.

Маҳаллада 11 миллат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг беш нафари Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларидир. Мана уруш тугаганига 60 йил тўлганига қарамасдан собиқ жангчилар қалбидаги жароҳат ҳамон битмаган. Улар бугун ҳам инсоният бошига турли балоларни солган машъум урушни қарғамоқдалар. Бахтли турмушимизга хавф солиб турган терроризмга мирзачўлликлар қалбида нафрат туйғусини уйғотмоқдалар.

— Бизнинг диёримизда инсон қадр-қиммати ҳамиша муқаддас саналган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Йўлдош Абдуллаев. — Ота-боболаримиздан қолган бу туйғулар айни кунларда ҳам намоён бўлмоқда. Бунга маҳаллада фаолият кўрсатаётган 39 нафар тадбиркорларининг ишига қараб яна бир карра амин бўлдик. Сарвар Сулаймонов, Айна Қоракўлова, Зинаида Дюсикина сингари оқсоқоллар уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларни эъзозлашга ҳамиша эътибор беришаяпти, Маҳалла тадбиркори Қаҳрамон Наврўзов ўз хусусий макарон цехи фаолиятидан олинаётган фойданинг бир қисмини боқувчисини йўқотган 5 кишига улашмоқда. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўз ҳомийлигидаги муҳтож кишиларга совға-саломлар улашди.

Дарвоқе, маҳаллада ўтказилган хайрия ҳашарида 15 минг туп дарахт кўчатлари ўтказилди. Айниқса, бу тадбирда А.Яссавий, Абай номли мактаб ўқувчилари фаол қатнашдилар. Шунингдек, маҳалла маслаҳатчиси Айжон Аристонова фаол хотин-қизлар билан хонадонларда бўлиб, инсон қадр-қиймати, меҳр-оқибат ҳақида қизиқарли суҳбатлар уюштирмоқда. Юртимиз равнақи учун, бугунги бахтли турмушимиз учун жон фидо қилган марҳум уруш иштирокчиларининг хотираси эъзозланмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Бугун ва эртага асосий иш фаолиятингиздаги муаммоларни ҳал этиш учун жуда қулай. Кейинги икки кунда эса ўзингизни ортиқча уринтирмасангиз ҳам бўлади.

СИГИР(22.04-20.05)
Режаларингиз барбод бўлишини истамасангиз, жума ва шанбада янги танишлар орттиришга шошилманг, эскилари билан муносабатда эҳтиёткор бўлинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Бордию шанба кунигача молиявий муаммоларни ҳал этиб улгурсангиз, катта ва қимматбаҳо буюмни харид қилишни кейинга қолдирсангиз, кунларингиз осуда ўтади.

ҚИСҚИЧБАКА (22.06-22.07)
Эсингизда бўлсин, ўта ишонувчан бўлиш кўпинча катта зарар келтиради. Айниқса, жума ва шанба куни бу хислатингизни узоқроққа "яшириб" қўйинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ўз имкониятларингизга ортиқча баҳо бериш туфайли юзага келадиган муаммолар кейинчалик сизни кўп пушаймонлар қилишга мажбур этади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Агар кутилмаган, устига-устак кўнгилсиз вазиятларга тушиб қолишни истамасангиз, режалаштирган ишларингиз доирасиддан чиқмаслигингиз лозим.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Турли йўналишдаги ҳужжатларга имзо чекишда, ҳатто бу арзимас расмиятчилик бўлса-да, жуда эҳтиёт ва ҳушёр бўлишни маслаҳат берамиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ўз хизматларини ва маҳсулотларини ташвиқот қилувчи "учарлар"нинг чорловларига нисбатан гўё кар ва соқовлардек бўлолсангиз, ташвишлардан холи бўласиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Пишиқ-пухталигингиз ва бироз ... муғобирлигингиз сизни катта маблағни бекорга бой беришдан сақлайди. Яқинларингиз маслаҳати ҳам шу сафар фойда келтиради.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Фаолиятингизда ортиқча муаммолар туғилмаслиги учун ҳар қандай ишда даллоллар хизматидан воз кечганингиз маъқул. Кўп ишларни ўзингиз ҳам уддалайсиз.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Бордию бугун ва эртага эришадиган ютуқларингиздан ҳовликиб қолмасангиз, дам олиш кунларини кўнгилли ўтказасиз.

БАЛИК (19.02-20.03)
Таниш-билишчилик, юзхотирчилик билан иш битиришга уринманг, оввора бўлганингиз қолади холос. Бу борада омадингиз чопмаслиги аниқ.

"Mahalla" газетаси таҳририяти Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор, "Mahalla" газетасининг таҳрир ҳайъати аъзоси **Абдуқодир Ҳожиметович ҲАЙИТМЕТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Фарғона Давлат пединститути томонидан 1980 йилда Нортожиева Адиба номига берилган ЖВ-1 150891 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

"LAZZAT OY" ишлаб чиқариш тижорат шўъба корхонаси "LAZZAT OY" Масъулияти чекланган жамиятга айлантирилмоқда. Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Авиация тор кўчаси, 10- уй.

ДП "KAMAL NABIZADA" (г. Ташкент) объявляет об уменьшении Уставного фонда с 650000 долларов США до 541011 долларов США. Все вопросы по телефону: 148-05-88.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

9635 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-422 Топширилди —
1 2 3 4 5